



**ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ ХЎЖАЛИК
ЖАМИЯТЛАРИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ
ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ**

Валижонов А.Р.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш
агентлиги Тадқиқотлар маркази бўлим мудир, и.ф.н.

E-mail: research@davaktiv.uz

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8198935>

ARTICLE INFO

Received: 23th July 2023

Accepted: 29th July 2023

Online: 30th July 2023

KEY WORDS

Хўжалик жамияти,
трансформация, ислоҳ
қилиш, хусусийлаштириш,
устав фонди, мулк.

ABSTRACT

Мақолада корхонани трансформация қилиш тушунчасининг мазмуни ва моҳияти ёритилган. Ишда давлат иштирокидаги хўжалик жамиятларини трансформация қилишнинг асосий вазифалари аниқланган, трансформация қилиниши керак бўлган хўжалик жамиятларининг асосий жиҳатлари кўрсатиб ўтилган ва тадқиқот натижалари бўйича хулосалар олинган.

КИРИШ

Хўжалик жамиятлари, яъни акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлар тадбиркорлик субъектларининг кенг тарқалган шаклларида бири бўлиб иқтисодийнинг барча тармоқларида фаолият олиб борадилар. Ўзбекистонда хўжалик жамиятларини, жумладан, акциядорлик жамиятларини ташкил этилиши асосан хусусийлаштириш жараёнлари билан бир даврда бошланди. Мустақиллик йилларида давлат мулкани ва корхоналарини хусусийлаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга бир қатор йирик хўжалик жамиятларида давлат улуши ҳамон юқори даражада сақланиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида давлат иштирокидаги корхоналарни трансформация қилиш масаласида қуйидагиларни таъкидлаб ўтдилар: "...иқтисодий таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш керак. Ҳозирги вақтда давлат иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти молиявий барқарор бўлмагани учун давлатга оғир юк бўлиб қолмоқда" [1].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Корхоналарни ислоҳ қилиш, қайта таркибланиш, трансформация қилиш масалалари хорижий тадқиқотчилар И.Ансофф, Р. Нельсон, Дж. Уинтер, М. Хаммер, Дж. Чампи, Д. Нортон, М.Д. Аистова, Г.Б. Клейнер, В.А. Гончарук ва бошқаларнинг илмий асарларида ёритилган. Ушбу йўналишларда маҳаллий олимлардан Б. Беркинов, И. Бутиков, Р. Якушев, Р. Каюмов, Р. Нуралиев ва бошқалар тадқиқотлар олиб борганлар.

Тадқиқот давомида илмий, қиёсий ва эксперт таҳлил ҳамда баҳолаш, монографик ўрганиш ва бошқа услублардан фойдаланилди.



НАТИЖА ВА МУҲОКМАЛАР

Сўнги йилларда давлат корхоналарини хусусийлаштириш ва ислоҳ қилишга доир қабул қилинаётган ҳукумат қарорларида “корхоналарни трансформация қилиш” ибораси қўлланилмоқда. Шу билан бирга амалдаги қонунчилигимизда трансформация тушунчасига таъриф берилмаган. Иқтисодий адабиётларда трансформация тушунчасига таърифлар келтирилган. Трансформация бу иқтисодий фаолиятнинг таркиби, шакли, усуллари ва йўналишини ўзгартириш[2]. Иқтисодий жараёнларда трансформация тушунчасини талқин этишда иқтисодий-ижтимоий муносабатларни ўзгартириш, либерализация, мулк шаклини ўзгариши каби иборалардан фойдаланадилар [3].

Юқоридагиларни инобатга олиб давлат иштирокидаги хўжалик жамиятини трансформация қилиш тушунчасини қуйидагича таърифлаш мумкин: давлат иштирокидаги хўжалик жамиятини трансформация қилиш бу уни бозор тамойиллари ва механизмлари асосида фаолият юритишига ўтказиш, унинг самарали ташкилий тузилмаси ва бошқарув тизимини яратиш, корхонанинг ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатдошлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар йиғиндиси.

Давлат томонидан доимий равишда қўллаб-қувватланиб келинган давлат иштирокидаги корхоналарни трансформация қилишда муҳим масалалардан бири бу уларнинг фаолиятини либерализация қилиш ва уларни эркин рақобат муҳитида рақобатбардошлигини таъминлашдир.

Давлат иштирокидаги хўжалик жамиятини трансформация қилишнинг мақсади уларни рақобатдошлигини ошириш, самарали бошқарув тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш тан-нархини қисқартириш ва молиявий-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобланади.

Давлат иштирокидаги хўжалик жамиятларини трансформация қилишнинг асосий вазифалари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатдошлигини таъминлаш;
- молиявий ҳисоботларнинг ҳалқаро стандартларини жорий этиш;
- операцион ва бизнес жараёнлар самарадорлигини ошириш;
- замонавий бошқарувни, шу жумладан барча томонлар манфаатларини таъминлашни назарда тутувчи корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш;
- корхонанинг инвестицион жозибadorлигини ошириш;
- хўжалик жамиятларидаги давлат улушларини хусусийлаштириш йўли билан уларда самарали мулкдорларни шакллантириш;
- давлатнинг корхона фаолиятига аралашувини чеклаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096 сонли Фармони билан трансформация қилинадиган йирик давлат корхоналари ва хўжалик бирлашмалари рўйхати тасдиқланган. Ушбу рўйхатга 32 та давлат иштирокидаги корхоналар киритилган бўлиб улардан 22 таси хўжалик жамиятлари ҳисобланади.



Йирик хўжалик жамиятларида трансформация жараёнларини жадаллаштириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида” ги ПФ-101 сонли Фармонида ҳам назарда тутилган. Фармонда иқтисодий ўсишни таъминлашда хусусий секторнинг ролини ошириш, барча тармоқ ва соҳаларда хусусий секторнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида қуйидагилар ҳам белгиланган:

давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банкларини трансформация қилиш ҳамда хусусийлаштиришни жадаллаштириш, иқтисодиётда самарасиз ишлаётган корхоналар улушини камайтириш ҳисобига сифат жиҳатидан янги, хусусан, экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) тамойилларига асосланган инвестициялар ва ишлаб чиқариш унумдорлиги юқори бўлган технологияларнинг кўпайишини рағбатлантириш;

пул ва капитал бозорларини янада эркинлаштириш ҳисобига молия бозоридаги турли сегментларнинг ривожланишига тўртки бериш, шу орқали хусусийлаштирилган ва трансформация жараёнидаги корхоналарга ўз фаолиятини молиялаштиришнинг муқобил манбаларини шакллантиришга шароит яратиш.

Бизнинг фикримизча трансформация қилиниши керак бўлган хўжалик жамиятларининг асосий жиҳатлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

устав фондида давлат улушининг юқорилиги;

товар бозорларида устун мавқега эга эканлиги;

айримлари табиий монополия субъекти эканлиги (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ва бошқар);

таркибида шўъба ташкилотларнинг кўплиги.

Давлат улуши сақланиб қолаётган йирик хўжалик жамиятлари фаолият юритаётган товар ва хизматлар бозорини эркинлаштириш ҳамда ушбу соҳаларга хусусий секторнинг кириб келиши учун шароит яратиш ушбу хўжалик жамиятларини трансформация қилиш стратегиясини ишлаб чиқишда эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалардан бири ҳисобланади.

Трансформация қилиниши назарда тутилган хўжалик жамиятларининг кўпчилик қисми ўзида бир қанча корхоналарни бирлаштирган йирик компаниялар ҳисобланади. Масалан, шўъба ташкилотлар сони “Ўзавтосаноат” АЖда 45 та, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖда 42 та, “Ўзбекнефтегаз” АЖда 33 тани ташкил этади.

Бугунда асосий жамият ва шўъба жамиятлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи алоҳида меъёрий ҳужжат мавжуд эмас. Демак, бундай жамиятлар ўртасидаги муносабатлар уларнинг ички хўжатлари, жумладан, устави орқали тартибга солиниши керак.

Шу маънода бир қатор хўжалик жамиятларининг уставлари ўрганиб чиқилди, хусусан, “Ўзбекнефтегаз” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ўзавтосаноат” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзтелеком” АЖ, “Ўздонмаҳсулот” АЖ ва бошқалар. Таҳлиллар натижасида ушбу хўжалик жамиятлари таркибида бир қанча шўъба тузилмалар мавжуд бўлса ҳам, уларнинг уставларида асосий ва шўъба жамият ўртасидаги



муносабатларни тартибга солишга, шўъба тузилмаларни бошқаришга бағишланган нормалар мавжуд эмас. Уставларда фақат шўъба юридик шахсларни ташкил этиш асосий жамиятнинг қайси бошқарув органи ваколатига кириши кўрсатилган.

Асосий жамият ва шўъба жамиятлар ўртасидаги муносабатларни бозор механизмлари орқали тартибга солишни ривожлантириш ҳам йирик хўжалик жамиятларини трансформация қилишнинг асосий вазифаларидан бири бўлиши керак.

Давлат иштирокидаги хўжалик жамиятларини ислоҳ қилиш, шу жумладан уларда трансформация жараёнларини жадаллаштиришга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 мартдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-83 сонли қарори ҳам катта ҳисса қўшади. Ушбу қарор билан 2023 - 2025 йилларда ислоҳ қилинадиган ва операцион самарадорлиги ошириладиган давлат иштирокидаги йирик корхоналар рўйхати (жами 31 та корхона ва банклар) тасдиқланди.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, давлат иштирокидаги хўжалик жамиятларида трансформация жараёнларини самарали амалга ошириш:

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатдошлигини таъминлайди;

-операцион ва бизнес жараёнлар самарадорлигини оширади;

-молиявий ҳисоботларни ҳалқаро стандартларга мувофиқ юритилишини таъминлайди;

-замонавий бошқарувни, шу жумладан барча томонлар манфаатларини таъминлашни назарда тутувчи корпоратив бошқарув тизимини ривожлантиради;

-корхонанинг инвестицион жозибадорлигини оширади;

-хўжалик жамиятларидаги давлат улушларини хусусийлаштириш орқали уларда самарали мулкдорларни шакллантиради;

иқтисодиётда эркин рақобат муҳитини ва бозор муносабатларини ривожлантиришга хизмат қилади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2020 йил 29 декабрь <https://president.uz/view/4057>.
2. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. – М.: «ИНФРА-М», 1997. – 496 с.
3. Хузина Г.Г. Сущность трансформационного процесса в экономической системе// Проблемы современной экономики, №4(36), 2010. с.61-65.